## ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 06

Карши шахар "19" 12 2022 йил

Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Бажарувчи" деб юритилади "Равшанбекулгуржисавдотаъминот" х/к номидан рахбари А.РАвшанов бир томондан ва Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Буюртмачи" деб юритилувчи " РИНИАТМКВ минтақавий филиали " номидан иш директор Ғ.Умирзоқов иккинчи томондан мазкур шартномани кўйидагилар тўғрисида туздилар:

### ШАРТНОМА МАВЗУСИ:

1.1 Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га иссиқ овкат тайёрлаб бериш хизмати учун (кейинги уринларда-"Хизматлар" деб юритилади) хизмат курсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни кабул килиш ва кийматини тулаш мажбуриятини уз зиммасига олади. "Хизматлар"инг аник турлари, уларниг сони, сифати ва нархи, шунингдек. уларни курсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий кисми куйидагича келтирилади.

| № | Хизмат (товар) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Жойида пишириладиган иссиқ овкат | порц | 1 | 120 809 369,90 | 120 809 369,90 |
| | жами | | | | 120 809 369,90 |

**Жами:** 120 809 369,90 ( Бир юз йигирма миллион саккиз юз тўққиз минг уч юз олтмиш туққиз ) сўм 90 тийин

### ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 "Буюртмачи"нинг хукуклари:

"Бажарувчи" Шартномани бажариш учун зарур булган амалдаги давлат стандартларн ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

"Бажарувчи"дан "Хизматлар" "Буюртмачининг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт хужжатларини коплашни талаб килиш;

- "Бажарувчи"дан мазкур шартномага муофик бериладиган кўрсатилишинн буюртманомага муофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишинн талаб қилиш;
- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра;
- зарур сифатга эга бўлмаган шунга ухшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёҳуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши ҳаражатларини коплашни;
- баҳосиниг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш:

Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини "Бажарувчи" дан талаб килиш;

2.2. "Буюртмачи" нинг мажбуриятлари:

Ўз буюртманомаси буйича курсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага муофик кабул килиш: "Хизматлар"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, кабул қилиш -топширпш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 3 кун мобайнида хак тўлаш.

2.3. "Бажарувчи" қуйидаги хуқуқларга эга:

Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан хак тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб килинишини "Буюртмачи" дан талаб килиш;

Берилган буюртманомага муофик кўрсатилган "Хизматлар"ни кабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини "Буюртмачи"дан талаб килиш;

2.4. Бажарувчи" куйидагиларга мажбур: "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага муофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига муофик муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш; агар "Хизматлар"ни курсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл куйган бўлса. "Буюртмачи" нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текинга хизмат кўрсатиб бериш.

### ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ

3.1 Мазкур шартноманинг бахоси 120 809 369,90 ( Бир юз йигирма миллион саккиз юз тўққиз минг уч юз олтмиш туққиз ) сўм 90 тийинни ташкил этади.

Кўрсатиладиган "Хизматлар" нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 15 фоизи микдорида олдиндан хак

тўлайди. Шартнома имзоланган кундан 3 кун муддат ичида узил-кесил хисоб - хитоб килинади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан накд пулсиз тартибда хисоб китоб килинади.

## ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига муофик зарур тарзда бажарилиши керак.
Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.
4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.
4.3. "Хизматлар" кабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. Хисоб-китоб хужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га хак тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
4.4. "Буюртмачи"нинг розилиги билан "Хизматлар" муддатидан олдин кзрсатилиши мумкин. "Буюртмачи" томонидан кзрсатилган ва кабул килинган "Хизматлар" учун кейинги даврларда кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар хисобига ўтказилади.
4.5. "Буюртмачи" муддатлар бузилган холда кўрсатилган "Хизматлар"ни кабул килишни рад этишга хаклидир.
4.6. Назарда тутилган микдордан ортикча бир номда "Хизматлар" курсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги курсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида каралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар" нинг урни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги буйича курсатилган холлар бундан мустасно.
4.7. Курсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи" нинг масъул ходими томонидан далолатнома буйича кабул килинади. Далолатномада курсатилган "Хизматлар" микдори, уларнинг сифати курсатилади.
4.8. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага муофик ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси курсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини руйхатдан угказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини курсатиш мулжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар оркали, почта оркали ёки бошкача тарзда берилади. Буюртманомани чопар оркали кабул килишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да коладиган нусхага санани кўрсатган холда у кабул килинганлиги тўғрисида белги куяди.
4.9. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор килиш га ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини курсатиш санасини ўзгартиришга хаклидир. бу хакда "Бажарувчи"ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Курсатилаётган "Хизматлар" сифати, микдори "Бажарувчи" томонидан нотугри аникланиши, уларнинг киймати нотўгри белгиланиши ва ундирилиши холлари аникланган такдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини шунингдек уларнинг микдорини хисобга олган холда кайта хисоб-китоб килади, хисоблаб чикилган ушбу суммадан ташкари буюртмачига нотугри хисоб-китоб килинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тулайди.
5.2. Агар курсатилган "Хизматлар" нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талаблари намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган такдирда. айбдор томон курсатилган, сифати зарур даражада булмаган "Хизматлар" кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тулайди.
5.3. "Хизматлар" кўрсатиш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи"га белгиланган устамалардан ташкари курсатилиши керак булган "Хизматлар"нинг 25 фоизи микдорида жарима тулайди. Жаримадан ташкари, "Бажарувчи" "Буюртмачи'да "Хизматлар" курсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тулайди.
5.4. Хизматлар курсатиш кечиктирилган ёки тулик кўрсатилмаган такдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тулайди. бирокбунда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган "Хизматлар" кийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" курсатиш муддати кечиктирилиши ёки тулик курсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.
5.5. Курсатилган "Хизматлар"учун ўз вактида хак тўланмаганда "Буюртмачи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун тўлов суммасининг 0.2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 20 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.
5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи" ни жавобгарликка тортишда шуниигдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) "Буюртмачи" томмонидан контрактация шартномаси буйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги хакзкгуриб чикилади. Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги

(зарур тарзда бажарилмаслиги) натижаеида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи'" томонидан кдпланади.
5.7. Мазкур шартномада иазарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукоролик конунчилиги нормаларига мувофик, кулланялади.

## НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чикдан такдирда, томонлар, кридага кура, мустақил равишда уларни судгача ғал этиш чораларини кўрадилар.
6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга хаклидир.

## ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

7.1.Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ руйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради ва томонлар ушбу шартнома буйича уз мажбуриятдарини бажаргунга кадар амал килади.
7.2. Мазкур шартнома 2021 йил 31 декабргача амал килади.
7.3. Томонлар уртасида муиосабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартларн бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килинишн мумкин.
8.2. Мазкур шартномага хар кандай ўзгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.
8.3. Мазкур шартнома томонларнинг хар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
8.4. Мазкур шартнома. унга ўзгартиришлар (кўшимчалар) "Буюртмачи" жойлашган жой бўйича руйхатдан ўтказилгандан кейин бажаридиши керак.

## 11.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

**“БАЖАРУВЧИ”**

"Ravshanbekulgurjisavdota'minot" х/к

**Адрес:** Карши шахар Урта куча - 18 уй.
**х/р:** 2020 8000 0009 0464 8001
**Банк:** “Asia Alleance” Карши филиали
**МФО:** 01099
**ИНН:** 305678323
**ОКОНХ:** 71150
**код НДС:** 330130094607

**Рахбар:** ____________ **А.Равшанов**

**М.П**

**“БУЮРТМАЧИ”**

**Ташкилот номи:** **РИНИАТМ Қашқадарё вилоят минтақавий филиали**
**Адрес:** Қарши ш. Содиқов 7/1 уй
**шх/р:** 100021860104017073201054003
**ИНН:** 200666455
**Ғазначилик бўлинмаси номи**
**Ғазна х/в:** 23401000201420101О
**Банк: Марказий банк**
**МФО: 00014 ИНН:** 201122919

**Директор:** ____________ **Ғ.Умирзоқов**

**М.П**

**Ташкилот юристи:** ____________